

ЧИГИРТКАГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ

Ҳозирги кунда матбуот саҳифаларида, телерадио ва интернетда Африка ва Осиё қитъасининг турли давлатларида зарарли чигирткаларнинг кўпайиши ҳақида турли хил маълумотлар берилмоқда.

Саҳро чигирткаси (*Schistocerca gregaria* Forssk., 1775) ер юзиде тарқалган 12 турлардан бири бўлиб, унинг тарқалиш ареали Шимолий ва Марказий Африка ҳамда Жануби ғарбий Осиё мамлакатлари ҳудудларини эгаллайди. Илмий маълумотларга кўра, саҳро чигирткаси йил давомида икки муддатда ялпи кўпайиши мумкин. Унинг ривожланиши бизнинг ҳудудда тарқалган зарарли чигирткалардан фарқли равишда тиним даврига эга эмас. Шунинг учун ҳам у баҳорги кўпайиш даврида Шимолий Африкани (Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия ва Миср), Сомали ярим оролининг кўп қисмини, Кения ва Танзанияни, Қизил денгиз соҳилларини, Арабистоннинг шимолий ярмини ва Эроннинг жанубини қамраб олади. Бу ҳудудларда саҳро чигирткасининг кўпайиши қишқи ёмғирлар мавсуми билан боғлиқ. Чўл чигирткаларининг ёзги кўпайиш даврида эса унинг ривожланиш ҳудуди Сенегалдан Ғарбий Африка бўйлаб, Саҳройи Кабирнинг жанубий чеккасида Судан ва Ҳабашистонга қадар, Жанубий Арабистон, Ғарбий Покистон ва Шимоли ғарбий Ҳиндистонгача чўзилади. У асосий яшаш жойларида оммавий кўпайган йиллари Эрон ва Афғонистонга тарқалади ва у ердан баъзан Марказий Осиё ҳудудига ҳам учиб келади (1-расм).



1-расм. Саҳро чигирткасининг тарқалиш ареали (ФАО., Лачининский, 2014.)

Бу чигиртканинг энг кўп тарқалиши 1929 йилда кузатилган бўлиб, бу даврда у 17 млн га. дан кўпроқ майдонда тарқалган ва қишлоқ хўжалигига катта зарар етказган. 1940–1944, 1957–1959 2010- 2012 ва 2020 йилларда чигиртканинг бизгача тарқалиши кузатилган. Саҳро чигирткасининг бир неча галаси Шимолий Афғонистонгача ва Туркменистон чегараларигача учиб келган. Саҳро чигирткасининг ёппасига кўпайиши 1962 йилда содир бўлди. Саҳро чигирткасининг тухумлари диапаузасиз, яъни тиним дависиз ривожланганлиги сабабли, унинг учиб келган имаголари тухум қўйгандан 35-40 кун ўтгач, май ойининг ўрталарида тухумдан чиқиб, қанот чиқарилиши июн ойида кузатилган. Саҳро чигирткасининг 2018 – 2020 йилларда ҳам ёппасига кўпайиши кузатилди. Бу даврда чигиртка бир қатор Африка давлатлари ҳудудида ва Осиёнинг бир қатор давлатларида

жумладан, Эрон, Жанубий Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Йемен ва шу каби мамлакатлар ҳудудида тарқалиб зарар келтирмоқда (Расм 2 ва 3). Бугунги кунга келиб бу турдаги чигиртканинг тарқалган майдони 15 миллион гектарни ташкил қилмоқда. Айрим йилларда Африкадан учган Саҳро чигирткаси шомол ёрдамида Лотин Америка, ҳатто Буюк Британия ороллариғача учиб ўтганлиги маълум.



Расм 2. Саҳро чигирткасининг 2018-2019 йилларда Африка ва Осиё мамлакатлари ҳудудларида ривожланиши ва тарқалиши (<https://www.bbc.com/russian/resources/ids-aff242d1-53e5-4ee9-8018-79c1af021693>).



3-расм. Саҳро чигирткасининг 2018-2019 йилларда Африка ва Осиё мамлакатлари ҳудудларида ривожланиш ўчоқлари ва тарқалиш ўнналишлари (<https://www.bbc.com/russian/resources/ids-aff242d1-53e5-4ee9-8018-79c1af021693>).

Саҳро чигирткасининг ёппасига кўпайган йилларида бизга чегарадош бўлган жанубий мамлакатлар ҳудудларига учиб келиши ҳамда унинг республикамизга ҳам шомол орқали кириб келиш эҳтимолини кучайтиради.

Шу боис кузатишлар доимий давом этмоқда.

Ф.А.ГАППАРОВ,
ЎЗЎХҚИТИ лаборатория мудири,
қ.х.ф.д., профессор,
О.А.НУРЖАНОВ,
б.ф.н. катта илмий ходим.,
Ф.НУРЖАНОВ, к.и.х.,
Н.У.РАЗЗАҚОВА,
ТошДАУ талабаси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Т. Токгаев Фауна и экология саранчовых Туркменистана. Ашхабад. 1972.
2. А.В. Лачининский, Материалы доклада Ташкент 2014 г
3. Ф.А.Гаппаров. Биозкологические особенности развития вредных саранчовых в Узбекистане и меры борьбы с ними. Ташкент.2014 г.Издательство «Наврӯз» стр335.
4. <https://www.bbc.com/russian/resources/ids-aff242d1-53e5-4ee9-8018-79c1af021693>.